

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2026 йил февраль ойининг 26 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ф.Собиров,

ҳайъат судьялари: Ш.Назирова ва Б.Турдиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Қобуловнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Нурова, судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва уларнинг ҳимоячиси С.Сиддиқов, судланган И.Тўйчиев ва унинг ҳимоячиси М.Қамбаров, фуқаровий даъвогар вакили К.Рахимовларнинг иштирокида, судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва И.Тўйчиевларга оид жиноят ишини судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедовларнинг ҳамда судланган И.Тўйчиевнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2025 йил 27 октябрдаги ҳукмига кўра:

1993 йил 19 сентябрда Олтинкўл туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, “Uzavto Motors” АЖ ишчиси, муқаддам судланмаган, Олтинкўл тумани, Қайирма МФЙ, Бадавлат кўчаси, 15-уйда яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган Собиров Абдувоҳид Махаммадали ўғлига

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган;

1986 йил 23 августда Қува туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, “Uzavto Motors” АЖ ишчиси, муқаддам судланмаган, Асака тумани, Қоратепа МФЙ, Ганчиюз кўчаси, 92-уйда яшаган, иш бўйича



камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси  
қўлланилган Асқаров Фарходжон  
Абдухалимовичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан  
ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси  
тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган;

1983 йил 12 апрелда Марҳамат туманида  
туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси  
фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар  
фарзанди бор, “Uzavto Motors” АЖ ишчиси,  
муқаддам судланмаган, Асака тумани, Кўркам  
МФЙ, Дўнг кўчаси, 255-уйда яшаган, иш  
бўйича камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси  
қўлланилган Ахмедов Иброхимжон  
Махамадовичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан  
ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси  
тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган;

1988 йил 22 февралда Асака туманида туғилган,  
ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,  
маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор,  
“Uzavto Motors” АЖ ишчиси, муқаддам  
судланмаган, Асака тумани, Шўрқишлоқ МФЙ,  
Бешгул кўчаси, 71-уйда яшаган, иш бўйича  
камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси  
қўлланилган Тўйчиев Искандар Ориповичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан  
ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси  
тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ  
коплангани ва фуқаровий даъвогар вакилининг судланганларга нисбатан  
даъвоси йўқлиги инобатга олинган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган А.Собиров Асака туманида  
жойлашган “Uzavto Motors” АЖда СКД цехи йиғув участкаси “А” смена  
механика йиғув ишлари чилангари вазифасида ишлаб келгани ҳолда,  
2025 йил 10 февраль куни шу жамият СКД цехи қадоқлаш участкаси  
“Б” смена бригадири Ф.Асқаров, логистика бўлими “контейнер майдони”  
(транспорт-экспедиторлик хизмати) бўлинмаси ҳисобчиси И.Тўйчиев,  
СКД цехи йиғув участкаси “Б” смена бригадири И.Ахмедовлар билан  
олдидан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, жамият омборхонасида  
сақланаётган жуда кўп миқдордаги нархи 672.754.680 сўмлик 540 дона “GM  
12729514 рақамли “MODULE ASM-ENG CONT (W/O CALN)” номли  
бутловчи қисмларни Қозоғистон Республикасига экспорт қилинаётган  
“Кобальт” русумли автомобиль эҳтиёт қисмлари юкланган “ВМОУ4767585”  
рақамли контейнерга юклашиб, жамият ҳудудидан олиб чиқишган вақтида



Шаҳрихон туман ИИБ ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланишиб, жиноий ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмасдан, ўғирлик жиноятини содир этишга суиқасд қилишганликда айбли деб топилганлар.

Судланган А.Собиров апелляция шикоятда, “Uzavto Motors” АЖДа сақланаётган 540 дона “GM 12729514 рақамли “MODULE ASM-ENG CONT (W/O CALN)” номли бутловчи қисмлар аслида яроқсиз бўлганини, шу сабабли уларни қайта баҳолатишни сўрашини, оиласининг ягона боқувчиси эканини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини ва уларнинг бири беморлигини, у мунтазам даволаниб келишини кўрсатиб, унга тайинланган жазони қайта кўриб чиқишни сўраган.

Судланган Ф.Асқаров апелляция шикоятда, А.Собировнинг илтимосига асосан у айтган кесни олиб келиб берганини, бироқ унда қандай бутловчи қисмлар борлигини билмаганини, уни бутловчи қисмларни ўғирлаш нияти бўлмаганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканини кўрсатиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судланган И.Ахмедов апелляция шикоятда, айбсизлиги учун ишни қайта кўриб чиқишни сўраган.

Судланган И.Тўйчиев ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятда, унинг айби етарли далиллар билан исботланмагани сабабли, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов, И.Тўйчиевлар бир-бирларининг шикоятларига, фуқаровий даъвогар вакили Қ.Рахимов шикоятларга нисбатан эътирозлари йўқлигини, ишни қонуний ҳал қилишни сўрашган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Турдиевнинг маърузасини, судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов, И.Тўйчиев ва ҳимоячи С.Сиддиқов, М.Қамбаровларнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш, фуқаровий даъвогар вакили Қ.Рахимовнинг судланганларга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги фикрларини, прокурор Ш.Нурованинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган А.Собиров апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, “Uzauto motors” АЖДа ишлаб келгани, 2025 йил 10 февраль соат 19 ларда шу ерда ишловчи Ф.Асқаров орқали омборхона олдида турган кесдаги картон қоғозларни олиб келиб, юк машина ҳайдовчиси билан олиб чиқиб беришни 600 АҚШ долларига келишгани, шу вақтда И.Ахмедов келиб қолгани ва улардан нима қилаётганларини сўраганида унга ҳеч нарса қилишмаётганини айтиб, контейнер эшикларини ёпиб унга пломба тортгани, ишдан чиқиб Ф.Асқаровнинг автомашинасига ўтириб, юк машинаси ҳайдовчисига кўнғироқ қилганида у жавоб бермагани, Ф.Асқаров автомашинасининг газ



ёқилғиси тугаётганини айтган сабабли, И.Ахмедовга қўнғироқ қилиб, унинг автомашинасида у билан бирга Шаҳрихон туманига йўлга чиқишгани, йўлда телефон аппаратининг қуввати тугаб қолгани сабабли, ўзлари билан бирга ишловчи И.Тўйчиевнинг Шаҳрихон туманидаги яшаш хонадонига кириб, унда телефон аппарати қувватлагичини олишгани, шунда И.Тўйчиев ҳам улар билан бирга автомашинага пиво олиб келишини айтиб чиққани, юк машинаси ҳайдовчиси билан қўнғироқлашиб, уни Шаҳрихон туманидаги йўл бўйича турганини билиб, Ш.Ахмедов, И.Тўйчиев билан бирга Ш.Ахмедовнинг автомашинасида у ерга боришгани, орадан бироз вақт ўтиб, Ф.Асқаров ҳам автомашинасида келгани, у И.Тўйчиевга юк машинасини ҳайдовчисини таниш ёки танимаслиги ҳақида сўраганида у таниши мумкинлигини айтгани, шунда унга автомашинадан тушиб ҳайдовчининг олдида бошқа шахслар бор ёки йўқлигини билиб келишини сўрагани, у автомашинадан тушиб ҳайдовчи билан кўришгани, сўнг у ҳам автомашинадан тушгани, орадан бироз вақт ўтиб, бир нечта автомашинада фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканлигини айтишиб, уларни Шаҳрихон туман ИИБ маъмурий биносига олиб кетишгани, “Uzavto Motors” АЖда сақланаётган 540 дона “GM 12729514 рақамли “MODULE ASM-ENG CONT (W/O CALN)” номли бутловчи қисмлар аслида яроқсиз бўлгани, шу сабабли уларни қайта баҳолатишни сўраши, И.Тўйчиев бутловчи қисмлар ўғирланганидан хабари бўлмагани, оиласининг ягона боқувчиси экани, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги ва уларнинг бири беморлиги, у мунтазам даволаниб келиши сабабли, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраши ҳақида;

судланувчи Ф.Асқаров апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, “Uzavto motors” АЖда автомобилларни қисмларга ажратиш бўлимида карказга ўрнатилган қисмларни кара ёрдамида контейнерга юклаш билан шуғулланиб келгани, 2025 йил 10 февраль куни соат 16 ларда у билан бирга ишловчи А.Собиров унга омборнинг олдида кесс турганини, ушбу кессни “Ангрен” майдончасига олиб келиб қўйишини, ушбу кессни ичидаги нарсаларни контейнерга юклаб юборишларини айтгани, у бунга рози бўлиб, карасида ушбу кессни у айтган жойга олиб бориб қўйгани, сўнг И.Ахмедовга коробка керак бўлса олиб қўйишини айтгани, кейин И.Ахмедов карада ушбу кессни шу ерда турган бўш контейнерга олиб кириб қўйгани, сўнг у ва А.Собиров ушбу кессда бўлган нарсаларни шу ерда турган экспорт учун қисмларга ажратилган автомобиль юкланган контейнерга олдига олиб борини айтгани ва ушбу контейнерни пломбалаб ёпиб қўйиш учун А.Собировга ёрдам бергани, пломбани А.Собиров тортиб қўйгани, ўша куни ишдан сўнг чойхонага бориши керак бўлгани, иш тугаганидан сўнг А.Собиров билан билан бирга кўчага чиқишгани, шунда А.Собиров ким биландир телефон орқали гаплашгани ва у ерда гаплашган одамани кутиб туришгани, кейин у А.Собировга автомашинасини газ ёқилғиси тугаб қолишини, узоқ юра олмаслигини айтгани, шунда А.Собиров И.Ахмедовга қўнғироқ қилиб уни



чақиргани, И.Ахмедов келганидан сўнг А.Собиров унинг автомашинасида Шаҳрихон туманига кетгани, сўнг ўзи ҳам у яшаш хонадонига Шаҳрихон тумани орқали кетиш мақсадида йўлга чиққани ва Шаҳрихон тумани худудида йўлнинг четки қисмида иш жойида контейнер юклаган юк машинаси тўхтаб турганини ва И.Ахмедовнинг автомашинаси ҳам у ерда турганини кўриб уларнинг олдида тўхтагани, шу пайт бир нечта автомашиналарда фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканини айтишиб, уларни Шаҳрихон туман ИИБ маъмурий биносига олиб кетишгани, бутловчи қисмларни ўғирлаш нияти бўлмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оиласининг ягона боқувчиси экани, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраши ҳақида;

судланган И.Ахмедов апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, “Uzauto motors” АЖ автомобилларни қисмларга ажратиш бўлимида автомобилларни қисмларга ажратиш билан шуғулланиб келгани, 2025 йил 10 февраль куни тушликдан кейин Ф.Асқаров унга “Ангрен” майдончасида бўш коробкалар тургани, агарда керак бўлса олиб, бўш контейнерларга олиб кириб қўйиши мумкинлигини айтгани, у шундан сўнг коробкаларни кара ёрдамида бўш контейнерга олиб кириб, сўнг кара ёрдамида ўзининг ишларини бажаргани, коробкаларни олдида ўтганида контейн эшиги ёпиқ ҳолатда бўлгани, коробка ичида эҳтиёт қисмлар бўлганини билмагани, сўнг яна ўзининг кўнгли ғаш бўлиб, қўйган коробкаларини олдида ўтгани, ушбу коробкалар ичидан Ф.Асқаров билан А.Собиров нималарнидир қилаётганини кўргани, шунда у улардан нима қилишаётганини сўрагани, шунда улар унга муаммо йўқлигини, ҳеч нарса бўлмаётганини, ўзларига керакли нарса эканлигини айтишгани, у уларни коробкаларни олдида бошқа жойга олиб ўтгани, сўнг ишни 20 ларда тугатиб, автомашинасига чиққан вақтида А.Собиров кўнғироқ қилгани учун унга қайтариб кўнғироқ қилгани, А.Собиров унга автомашинасида бир жойга ўтиб келишларини, йўл ҳақини ҳам беришини айтгани, сўнг у билан Андижон шаҳридаги аэропорт олдида кўришгани, у унинг автомашинасига чиқиб, “Андижон-Шаҳрихон” йўналишида келаётган вақтида ундан телефон аппарати учун қувватлагич сўрагани, у йўқлигини айтгани, шунда у Шаҳрихон туманида яшовчи И.Тўйчиевнинг яшаш хонадонига кириб қувватлагич олиб чиқишлигини айтгани, сўнг И.Тўйчиевнинг яшаш хонадонига келишгани, А.Собиров автомашинадан тушиб чақиргани, хонадондан И.Тўйчиев чиққани ва қувватлагич олиб чиққани, кейин улар билан катта йўлга чиқишгани, И.Тўйчиев пиво олиб келиб олишлигини айтгани ва автомашинага чиққани, сўнг Бўстон тумани томонга қараб юришгани, шунда А.Собиров телефон орқали ким биландир гаплашиб, ўтиб кетганликларини орқага қайтишларини айтгани, шундан сўнг Шаҳрихон туманига қайтиб келишгани ва йўлнинг четида тўхташгани, сўнг орқаларидан юк машина келиб тўхтагани, сўнг Ф.Асқаров ҳам ўзининг “Дамас” русумли автомашинасида уларни олдида келгани, автомашинадан А.Собиров ва И.Тўйчиевлар тушиб юк машина ҳайдовчиси томонга



юришгани, у автомашина олдида қолгани, шу вақтда бир нечта автомашиналарда фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканлигини айтишиб, уларни Шаҳрихон туман ИИБ маъмурий биносига олиб кетишгани, аслида А.Собиров унга айтган бўш коробкаларни деталларни бир-бирига ишқаланиб, зарар етмаслиги учун фойдаланиш мақсадида “Ангрен” майдончасида турган бўш коробкаларни олиб у ерда турган бўш контейнерга олиб кириб қўйгани, ёмғирдан сақлаш мақсадида, у бўш контейнерга олиб келиб қўйган коробкалар ичидан улар коробкаларни олиб бошқа контейнерга жойлашаётган бўлгани, у ушбу коробкаларни ичини кўрмагани, ашёвий далил тариқасида олинган бутловчи қисмлар аслида ярқисиз бўлгани, шу сабабли уларни қайта баҳолашни сўраши, уни ва И.Тўйчиевни бутловчи қисмлар ўғирланганидан хабари бўлмагани ҳақида;

судланган И.Тўйчиев апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, “Uzauto motors” АЖда логистика бўлимида ҳисобчи, яъни бошқа давлатларга экспорт қилиш учун юборилаётган юк юкланган контейнерларни ҳисоб-китобини юритгани, 2025 йил 10 февраль куни соат 07:30 ларда иш жойига бориб, навбатчиликни қабул қилгани, орадан бироз вақт ўтиб, Қозоғистон Республикасига экспорт қилинувчи юклар мавжудлиги сабабли бўш ҳолатдаги 15 дона, узунлиги 12 метр бўлган контейнерларни юк юкланувчи майдонга қўйиб бергани, соат 10:30 ларда 3 дона контейнерга юк юкловчи бўлим ходимлари юкларни ортиб бўлишгани ва бошқа юк машиналарига юкларни юклаш учун кетишгани, улар юкни юклаб бўлгач у ҳам улар юк юклаган машиналардаги юкларни бенуқсон етиб бориши учун уларни ленталарини бойлагани, яна контейнерлар олдида чиққани, яна 6 дона контейнерларга юк юкловчи бўлим ходимлари юкларни юклашгани, сўнг у ушбу контейнерларни юк машиналарга юклаб бергани, соат 17 ларда унга радио алоқа орқали егулик тарқатиши кераклигини айтишгани, сўнг контейнерларга юкланган юкларнинг юк қоғозини “ЦОП” бўлимига олиб бориб, сўнг контейнерлар юкланган машиналар ҳайдовчиларига бергани, сўнг қайси контейнерларга юклар юкланганини ёзгани, сўнг ишдан чиқиб яшаш хонадонига кетгани, соат 22 ларда яшаш хонадонидида ўтирган вақтида А.Собиров келгани ва телефон қувватлагич олиб чиқишини сўрагани, у билан И.Ахмедов ҳам келган бўлгани, у уларга қувватлагич бериб, қаерга кетишаётганликларини сўраганида А.Собиров Шаҳрихон туманида ишлари борлигини айтгани, у уларга пиво олиб келишларини айтгани, шунда А.Собиров унга агарда бўш бўлса, улар билан бирга боришини сўрагани, сўнг улар билан Бўстон туманига бориб, яна Шаҳрихон туманига қайтиб келишгани, кейин йўлнинг четки қисмидаги дўконга тўхтаб ичиш учун сув олгани, шу вақтда уларнинг автомашинаси орқасига юк машинаси келиб тўхтагани ва А.Собиров ундан юк машина ҳайдовчиси таниш ёки танимаслиги ҳақида сўрагани, у кўрса таниши мумкинлигини айтгани, шунда у унга унинг олдида боришини, ўзи ёки шериги бор йўқлигини кўриб келишини сўрагани, у юк машина олдида боргани, ҳайдовчи ҳам уни кўриб пастга тушгани, у ҳайдовчи билан кўришиб, сўнг А.Собировларнинг олдида қайтгани, А.Собировга ўзи эканини



айтгани, шунда ҳайдовчи ҳам секин улар томонга юриб келгани, ҳайдовчи уларнинг олдига келиб улар билан кўришаётган вақтда бир нечта автомашинада ИИБ ходимлари келишиб, уларни Шаҳрихон туман ИИБ маъмурий биносига олиб кетишгани, шу ерда бутловчи қисмлар ўғирлик йўли билан олиб чиқилганидан хабари бўлгани, айби етарли далиллар билан исботланмаган бўлса-да, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди уни асосиз айблагани, шу сабабли унга оқлов ҳукми чиқаришни сўраши ҳақида;

фуқаровий даъвогар вакили К.Рахимов апелляция инстанцияси судида, “Uzauto motors” АЖда етакчи юрисконсулт лавозимида ишлаб келиши, 2025 йил 10 февраль куни “Uzauto motors” АЖда ишловчи А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Тўйчиев, И.Ахмедов “Uzauto motors” АЖга қарашли автомобиль ишлаб чиқариш заводи ҳудудидан 540 дона “Tracker” ҳамда “Onix” русумли автомашиналарнинг марказий бошқарув қурилмаларини “UzLogistic” МЧЖга қарашли К.Каршибаев бошқарувидаги давлат рақами 60 602 GBA бўлган “MAN” русумли юк машинасига ортишиб, ушбу қурилмаларни завод ҳудудидан яширин равишда олиб чиқишиб кетганликларидан Шаҳрихон тумани ИИБ ходимлари томонидан айтилган вақтда хабар топгани, ҳар бир бутловчи қисмнинг нархи 1.245.842,31 сўмни ташкил этиши, ашёвий далил тариқасида олинган бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришда фойдаланилгани ва уларда носозлик ҳолати аниқланмагани, бу тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши, И.Тўйчиевнинг айби ўтказилган хизмат текшируви натижалари юзасидан тузилган далолатномада ҳам ўз тасдиғини топгани, “Uzauto motors” АЖнинг судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва И.Тўйчиевларга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув беришди.

Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва И.Тўйчиевларнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзларини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчиларни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, уларнинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, фуқаровий даъвогар вакили Қ.Рахимов, гувоҳ М.Умирзақов, У.Аминжонов, Ғ.Фозилов, Ж.Нуритдинов, Д.Баҳромов, И.Бурхонов, М.Қўқоров, К.Каршибоев, дастлабки тергов ва судда берган кўрсатувлари;

бундан ташқари, ишдаги транспорт воситасини кўздан кечириш ҳақидаги баённома, йўл варақаси, касбий йўриқномалар, меҳнат шартномалари, 2025 йил 10 февраль куни “Uzavto motors” АЖда содир этилган ўғрилик ҳолати қайд қилинган видеотасвирларни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ҳамда унга илова қилинган видеотасвирлар, хизмат текшируви далолатномаси, бутловчи эҳтиёт қисмнинг 2025 йил 17-28-март кунлари ўтказилган инвентаризация натижалари бўйича маълумотлар, пломбанинг 2025 йил 17-28 март кунлари ўтказилган инвентаризация



натижалари бўйича маълумотлар, бутловчи қисмнинг қадоқлаш қайдларини кўздан кечириш ҳақидаги далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар, бутловчи қисмларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш тартиби, тўлиқ жамоавий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома, юк автомашиналарни “Uz auto motors” АЖ ҳудудига кириш-чиқиш юзасидан ҳужжатлар, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқлангани ҳақида асосли хулосага келиниб, уларнинг ҳаракатлари ЖК 25,169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Апелляция инстанция суди, судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва И.Тўйчиевларнинг кўрсатувлари ва шикоятларида келтирилган важларни муҳокама қилиб;

А.Собировнинг “Uzavto Motors” АЖда сақланаётган 540 дона “GM 12729514 рақамли “MODULE ASM-ENG CONT (W/O CALN)” номли бутловчи қисмлар аслида яроқсиз бўлгани, шу сабабли уларни қайта баҳолашни сўраши, И.Тўйчиев бутловчи қисмлар ўғирланганидан хабари бўлмагани ҳақидаги;

судланган Ф.Асқаровнинг бутловчи қисмларни ўғирлаш нияти бўлмагани ҳақидаги;

судланган И.Ахмедовнинг бутловчи қисмлар аслида яроқсиз бўлгани, шу сабабли уларни қайта баҳолашни сўраши, уни ва И.Тўйчиевни бутловчи қисмлар ўғирланганидан хабари бўлмагани ҳақидаги;

судланган И.Тўйчиевнинг ИИБ ходимлари келганидан сўнг бутловчи қисмлар ўғирлик йўли билан олиб чиқилганидан хабари бўлгани, айби етарли далиллар билан исботланмаган бўлса-да, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди уни асосиз айблагани ҳақидаги важлари фуқаровий даъвогар вакили К.Рахимовнинг суддаги, “Uzauto motors” АЖда ишловчи судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Тўйчиев, И.Ахмедов “Uzauto motors” АЖга қарашли автомобиль ишлаб чиқариш заводи ҳудудидан 540 дона “Tracker” ҳамда “Onix” русумли автомашиналарнинг марказий бошқарув курилмаларини “UzLogistic” МЧЖга қарашли К.Каршибаев бошқарувидаги давлат рақами 60 602 GBA бўлган “MAN” русумли юк машинасига ортишиб, ушбу курилмаларни завод ҳудудидан яширин равишда олиб чиқишиб кетганликлари Шаҳрихон тумани ИИБ ходимлари томонидан айтилган вақтда хабар топгани, ҳар бир бутловчи қисмнинг нархи 1.245.842,31 сўмни ташкил этиши, ашёвий далил тариқасида олинган бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришда фойдаланилгани ва уларда носозлик ҳолати аниқланмагани, бу тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши, И.Тўйчиевнинг айби ўтказилган хизмат текшируви натижалари юзасидан тузилган далолатномада ҳам ўз тасдиғини топгани ҳақидаги;

гувоҳ М.Кўчқаровнинг дастлабки терговдаги, “Uzauto motors” АЖда, 2019 йилдан АЖнинг ишлаб чиқаришни таъминлаш бошқармаси логистика бўлими контейнер майдони бўлинмаси махсус техника ҳайдовчиси лавозимида, юкмашиналарга эҳтиёт қисмлар ортилган экспортга тайёр ҳолатдаги контейнерларни юкмашиналарга ортиш билан шуғулланиб



келиши, хизмат вазифаси контейнер майдонидаги бош контейнерларни териш, майдонга келган юкмашинадаги контейнерларни тушириш, экспорт учун эҳтиёт қисмлари ортилган тайёр контейнерларни юкмашиналарга ортиб беришдан иборатлиги, ишда бўлган вақтда И.Тўйчиев томонидан берилган топшириқларни бажариб келишлиги, жиноий йўл билан ўғирлаб олиб чиқиб кетилиши керак бўлган эҳтиёт қисмлар солинган бўш контейнерни И.Тўйчиевнинг кўрсатмалари билан айтилган жойга қўйгани, Қозоғистон Республикасига экспорт бўлиб кетадиган автомашина қисмлари солинган контейнерни ҳам И.Тўйчиевнинг кўрсатмаси билан ушбу контейнерга эшикларини қарама-қарши қилиб қўйгани, К.Қаршибоевни бошқарувидаги юк машинасига ҳам И.Тўйчиевни кўрсатмаси билан контейнерни юклагани ҳақидаги;

хайдовчи Қ.Қаршибоевни дастлабки тергов ва биринчи инстанция судидаги, юк машинасига белгиланган контейнер “фонтузчи” М.Қўчқаров томонидан юклангани, қолаверса Шаҳрихон туманида юк машинасини тўхтатиб, ИИБ ходимлари билан бирга жиноят содир қилган шахсларни кутиб туришган вақтида, дастлаб юк автомашинасини олдига И.Тўйчиев келгани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, судланган А.Собировнинг терговга қадар текширув ишлари олиб борилаётгандаги, у К.Қаршибоевга қўнғироқ қилиб, Шаҳрихон туманида кўришишлигини айтгани, шундан сўнг К.Қаршибоев юк машинасини бошқариб, Шаҳрихон туманида жойлашган “Бек” номли ошхонани олдига келиб тўхтаганидан сўнг у Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва И.Тўйчиевлар билан бирга К.Қаршибоев билан кўришиб, юк машинасига юкланган “Tracker” ҳамда “Onix” русумли автомашиналарнинг марказий бошқарув қурилмаларини тушириб олишни маслаҳат қилиб туришганида олдига ИИБ ходимлари келишиб, тушунтириш олиб бориш учун ИИБ биносига олиб кетишгани ҳақидаги;

судланган Ф.Асқаровнинг терговга қадар текширув ишлари олиб борилаётгандаги, 2025 йил 9 февраль куни соат 10 ларда ёнига А.Собиров келиб, унга “Tracker” ҳамда “Onix” русумли автомашиналарнинг марказий бошқарув қурилмаларини яширин йўл билан ўғирлаб, шу ердан чиқиб кетаётган юк машиналарининг ичига юклаб, ташқарига олиб чиқиб, сотишни ва ўғирланган нарсаларни олиб чиқиб, бозорда сотиб, И.Ахмедов, И.Тўйчиев ва ўзи билан тенг тақсимлашни таклиф қилгани, эртаси куни соат 19:30 ларда ишларни яқунлашганидан сўнг А.Собиров контейнерни пломбалаб бўлиши билан, режа бўйича И.Тўйчиев диспетчер бўлгани сабабли, ушбу контейнерни А.Собировнинг жиноий шеригининг юк машинасига юклатиб бергани ҳақидаги тушунтиришлари;

шунингдек, “Uzauto motors” АЖ бош директори томонидан “Uzauto motors” АЖда ишловчи А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Тўйчиев, И.Ахмедовларга оид жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 540 дона “GM 12729514 рақамли “MODULE ASM-ENG CONT (W/O CALN)” номли бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришда фойдаланилгани ва уларда носозлик ҳолати аниқланмагани ҳақидаги 2026 йил 6 февраль куни тақдим этилган



7262-00882-сон хатига асосан юқоридаги важлар билан келишмади ва уларни жавобгарликдан ва жазодан қутилиш мақсадида келтирилган важлар сифатида баҳолади.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди томонидан ҳам судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва И.Тўйчиевларнинг шу каби важлари юқоридаги далиллар асосида рад қилиш тўғрисида асосли хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди, судланган А.Собиров, Ф.Асқаров, И.Ахмедов ва И.Тўйчиевларга жазо тайинлашда, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, судланган А.Собировнинг айбига қисман иқроор ва пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганини, етказилган моддий зарарнинг олди олингани ва фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноят ғараз ниятда содир этилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни айна вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш;

судланган Ф.Асқаровнинг айбига қисман иқроор ва пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганини, етказилган моддий зарарнинг олди олингани ва фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноят ғараз ниятда содир этилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни айна вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш;

судланган И.Ахмедовнинг айбига қисман иқроор ва пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганини, етказилган моддий зарарнинг олди олингани ва фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноят ғараз ниятда содир этилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни айна вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи



ҳолатлар сифатида инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш;

судланган И.Тўйчиевнинг қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганини, етказилган моддий зарарнинг олди олингани ва фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноят ғараз ниятда содир этилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни айтилиш вақтида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди, судланган А.Собиров ва Ф.Асқаровларнинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги важдари билан ҳам юқоридагиларга кўра келишмади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 497<sup>26</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шунга кўра, судлов ҳайъати суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун жиноят ишида асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>17</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Собиров Абдувоҳид Махаммадали ўғли, Асқаров Фарходжон Абдухалимович, Аҳмедов Иброҳимжон Махаммадович, Тўйчиев Искандар Ориповичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2025 йил 27 октябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

Ф.Собиров

Ҳайъат судьялари

Ш.Назиров

Б.Турдиев

